


Фарғона вилояти Бандлик бош бошқармаси “Компленс” назорат мутахассиси томонидан 2022 йилни 9 ойида амалга оширилган ишларни сарҳисоби.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419 сонли қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар мақсадлилиги ва самарадорлигини янада ошириш, “Фуқаролар меҳнат органлардан рози бўлиш керак” тамойилни сўзсиз амалга оширишни давом эттириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ва унинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизими жорий этилди. Жорий йил давомида Фарғона вилоят Бандлик бош бошқармаси “Комплаенс назорати” бўлими томонидан тизимдаги Аҳоли бандлигига кўмалкшашиш марказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказларида 400 нафар ишчи ходимлар билан учрашув ва очик мулоқат тадбирлари ўтказилди. Ҳар бир тизим ташкилотлари фуқаролар гавжум жойларига “Коррупцига қарши бирга курашамиз” шиори остидаги тарғибот плакатлар илдинди ва ходимлар иш столларига тарғибот буклетлари қўйилди.





Бундан ташқари тизимдаги барча ишчи ходимлардан фаолияти давомида коррупцияга йўл қўймаслик ва унга қарши курашиш тўғрисида тилхатлар олинди.

Шунингдек, бошқарма тизимида фаолият олиб борилаётган 400 нафар ходимлардан фаолияти давомида манфаатлари тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида йиллик декларациялар тўлдирилди.

Шу билан бирга бошқарма тизимидаги фаолият юритиб келаётган барча ходимлар билан тузилган шартномаларга коорупциявий ҳолатлар юзасидан қўшимча ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81 қарорини ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти Бандлик бош бошқармаси тизимидаги ходимларни коррупцияга қарши курашиш соҳасида масофавий ўқитиш ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, ўтган давр давомида бўлим томонидан тизимда ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларга ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш оргинларига юборилди. Мисол учун Тошлоқ туман Аҳоли банлигига кўмаклашиш марказида ўтказилган ўрганишлар давомида жами 15 та ҳолатда 33 млн 304 минг 359 сўм маблағлар ноқонуний сарфланганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатга қонуний баҳо бериш учун Вилоят прокуратурасига юборилган. Ушбу ҳолат юзасидан Тошлоқ туман прокуратураси айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддани 2-қисми “г” банди билан жиноят иши қўзғатилиб дастлабки тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари “Компенс” назорат бўлими томонидан доимий равишда қуйидаги ишларни амалга оширилиб келинмоқда:

-Бош бошқарма тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши профилактик тадбирларни олиб бориш

-Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида самарали ишларни таъминлаш ва назорат қилиш

-Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликни олиб бориш

-Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойҳаларини ишлаб чиқиш

-Бош бошқарма фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш

- Бош бошқарма тизими ходимлари томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш

-Махсус ахборот алоқа каналлари орқали Бошқарма тизими ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилиш ва ўрнатилган тартибда чоралар кўриш

-Коррупция фактлари юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш

-Давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилишини олдини олиш.

